



## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бош муҳаррир:  
Низомиддин МАҲМУДОВ

Бир йилда олти марта чиқади

Таҳрир ҳайъати:  
Абдусалом АБДУҚОДИРОВ  
Раҳматулла БАРАКАЕВ  
Маматкул ЖҮРАЕВ (бош муҳаррир  
ўринбосари)  
Наим КАРИМОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдана ЛУТФУЛЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ (бош  
муҳаррир ўринбосари)  
Тўра МИРЗАЕВ  
Бахтиёр НАЗАРОВ (бош муҳаррир  
ўрибосари)  
Ёркинжон ОДИЛОВ  
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб)  
Шомирза ТУРДИМОВ  
Бокижон ТЎХЛИЕВ  
Алмаз УЛВИЙ  
Дурдана ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҶУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Курдош ҚАҲРАМОНОВ  
Улуғбек ҲАМДАМОВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

5  
2020

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент - 2020

Манзилимиз:  
100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй.  
Телефон: 71 233-71-44  
E-mail: [jurnal\\_uzlit@mail.ru](mailto:jurnal_uzlit@mail.ru)

На узбекском языке

Узбекский язык и литература  
№ 5, 2020

Мухаррир Э.Очилов  
Компьютерда сахифаловчи Б.Зайнутдинов

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
22.12.2006 йилда рўйхатга олинган.  
Гувохнома №0053

© Ўзбекистон Республикаси ФА, 2020 йил.

## Жуманазар ЭШОНҚУЛОВ

### МУҲАММАДСИДДИҚ ҲАЙРАТ ВА УНИНГ ДЕВОНИ

Муҳаммадсиддик Ҳайрат (1878–1902) адабий меросининг асосини ғазал, қасида, қитъа, кичик маснавий ҳамда байтлар ташкил этиб, улар шоир вафотидан кейин яхлит ҳолатга келтирилган. Садриддин Айний “Эсдаликлар” асарида Ҳайрат адабий меросига алоҳида бағишлаб, унинг ҳаёт йўлидаги ажойиб саргузаштлари ва ижод маҳсулини бугунги кунга қадар қандай стиб келганилиги ҳакида мулоҳаза юритган<sup>151</sup>.

1951 йилда тоҷик адабиётшунос олими Расул Ҳодизода Айний тавсияси ва раҳнамолигида XIX–XX асрлар тоҷик адабиёти тазкираларининг таҳлил ва тадқиқ килишига киришиди. Тадқиқотчи олим ўзининг илмий изланишлари натижасида Тожикистондаги Абулқосим Фирдавсий номидаги кутубхонадаги Шарқ кўлёзмалари захирасидан “Девони Ҳайрат”ни топишга муваффақ бўлди<sup>152</sup>. Олимнинг фикрича, вафотидан сўнг уни Абдулвоҳид Мунзим шоирнинг турли кораламалари асосида тартибга келтирган. У бир неча далиллар асосида мазкур нусха Октябрь тўнтаришидан олдинги даврда чиқарилган дафтарга ёзилганлигини аниқлаган, чунки мухри 1903 йилда деб ёзилган (22). Мунзим Ҳайратнинг тугалланмаган шеърлари, мухаммаслари ва бошқа ғазалларига маҳсус қайдларини кўрамиз (22). Маълум бўладики, бу нусха Ҳайратнинг вафотидан кейин тартибга келтирилган девон бўлиб, эҳтимол у Абдулвоҳид Мунзим уйини талон-торож қилиш вақтида бирон маърифатпавар кишининг қўлида тушиб, кейинроқ кутубхонага топширилган. Муҳаммадсиддик Ҳайрат девонининг Садриддин Айнининг таклифи ва топшириғига биноан Мирзо Абдулвоҳид Мунзим томонидан китоб шаклида кўчирилган нисбатан ишончли ва мукаммал нусхаси бугунги кунда Тожикистон Фанлар академиясининг кўлёзмалар захирасида №1247 рақами билан сақланади.

Р.Ҳодизода “Шарқи Сурх” (“Кизил Шарқ”) журналининг 1957 йилдаги 5-сонида “Ҳайрат шеърларининг намуналари” номли мақола чоп этиб, унда Ҳайрат девони топилганлиги ҳакида маълумот бериб, шоир шеърларидан намуналар илова килган. “Жашнномаи Айний” (“Айний юбилей”) тўпламида нашр қилинган “Айний ва Ҳайрат” номли бошқа бир мақоласида олим Сайдриддин Айнининг “Тожик адабиётининг намунаси” ва “Эсдаликлар”ида келтирилган шеърларини Ҳайрат девонидаги шеърлар билан қиёсий таҳлил қилиб, уларнинг фарқлари, афзалликлари ва муаллифга мансублигини имкон даражасида аниқлаган<sup>153</sup>.

Р.Ҳодизода ташаббуси билан 1964 йилда Ҳайратнинг “Ашъори мунтахаб” (“Сайланма шеърлар”) нашр этилиб, 2447 байтни қамраб олади.

<sup>151</sup> Айний С.. Ёддоштҳо. Жилди 7. Қисмҳои 3–4. – Душанбе, 1957. С. 237.

<sup>152</sup> Ҳайрат. Ашъори Мунтахаб. – Душанбе, 1964. С. 19.

<sup>153</sup> Расул Ҳ. Айний ва Ҳайрат // Жашнномаи Айний. – Душанбе, 1960. С. 141–151.

Олимнинг маълумотига кўра, “ушбу девон ниҳоятда аълосифат бўлган дафтар варакларида, настаълиқ ёзувида китобат қилинган. Шеърлар сарлавҳалари қизил бўёқ ва матнлари эса, қора рангда ёзилган бўлиб, шеърлар матни ҳар бир бетда икки қаторда жойлашган. Баъзи бетларнинг ҳошияяларида Ҳайратнинг илова тариқасидаги шеърлари қора ва жўша (қизил бўёқ) рангидә ёзилган” (34–35).

Шоир ижодида ғазал етакчи мавқега эга бўлиб, девонида тақрибан 85 та ғазал келтирилган. Бу даврдаги ғазалиёт мавзусига хос бўлган хусусиятлардан бири услугуб ва тасвир ҳиндий услугубидаги сўз санъатига ёндашиш кўпроқ қузатилади. Аммо улар тўлиқ ҳиндий услугубига тақлид қиласдан, форсий ва туркий адабиётнинг Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий каби забардаст сўз санъаткорлари услугуб ва йўналишларига таважжух зоҳир этиб, ғазалда кўпроқ улар изидан борганлар. Мазмуни теран ва бадиияти юксак бўлганлигидан тазкира ва баёзларда бошқаларга нисбатан Муҳаммадсиддики Ҳайрат ғазаллари кўпроқ келтирилган.

Қитъа ҳам Ҳайрат девони таркибидаги асосий жанрларда бўлиб, унинг тўпламдаги сони 34 та ва 231 байтдан иборат. Қитъа жанри кўпроқ тарихий мавзуларни қамраб олиб, унга “Аҳмад Дониш вафотига” (2 та), “Туғрал Самарқандий” (2 та), “Рустамчанинг катл этилишига оид қитъа”, “Насаф вилоятида мажлис ҳикояси”, “Саромос (бош шамоллаш натижасида шишилиш касаллиги (минингит) бўлиш ҳикояси” ва ҳоказолар мансубдир.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг “Ашъори муNTAXАБ”ида муҳаммас жанри ғазалдан кейинги ўринни эгаллайди. Шоирнинг жами 9 та муҳаммаси маълум бўлиб, улардан биттаси таъби худ муҳаммас бўлиб, қолганлари Бедил Дехлавий, Пари Ҳисорий, Оят, Гавҳарий, Ислам Бухорий (2 та), Шараф, Яғмо ғазалларига боғланган. Бу муҳаммаслар Ҳайратнинг буюк салафлари билан муносаб беллаша олганлигини кўрсатади.

Ҳайратнинг “Ашъори муNTAXАБ”ида ҳаммаси бўлиб 14 та рубоий келтирилган. Шоир рубоийлари кўпроқ хижрон, замондан шикоят, маъшуқа жамолининг тавсифи ва ишку муҳаббат тараннумига бағишлиланган. Баъзи рубоийлари ижтимоий мавзуларда. Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат аruz илми қоидалари ва нозикликларидан яхши хабардор бўлиб, Айний бу борада ўз асарларида ишоралар килган. Шоир ўзининг биринчи мисраси арўз илми атамаси билан ёзилган бир рубоийсида, айтмоқчи бўлганки: “менинг талабимнинг асли моҳияти сенинг вафосизлигингдан ўзга сурат олди” (201).

Шоирнинг таркиббанд жанрида ёзилган биргина шеъри кузатиладики, у 5 банд ва 44 байтдан иборат. Мазкур таркиббанднинг иккинчи банди байти восила байтисиз бўлиб, “Тожик адабиёти намунаси” да:

*Гар бар сари чашми ман нишини,  
Нозат бикашам, ки нозанини, –  
тарзида келтирилган (204).*

Ҳайрат ҳажвий шеърларида ўта каттиқ ва қўпол сўзлар билан ўз замонасидаги ноҳақликлар ва иллатларни кескин танқид остига олади. Масалан, “Дар ҳажви Мир – Ҳикмат ва Мир – Муҳиддин ном саррофон”

(“Мир Ҳикмат ва Мир Мұхиддин номли саррофлар тұғрисида ҳажв”), “Боз дар ҳажви саррофони мазкур ба равияи Хожа Ахмад Яссавий” (“Яна Хожа Ахмад Яссавий йүнәлишидаги мазкур саррофлар (пулни бошқасига алмаштирувчи, қалбаки пулни ҳақиқий пулдан ажратадиган киши, нархловчы) тұғрисида ҳажв”) ва бошқалар шулар жумласидандир (207–216).

Мұхаммадсайдик Ҳайраттинг пароканда ҳамда тугалланмаган шеърлари 62 байтдан иборат бўлиб, улар турли мавзулар ва асосан қитъа, фард каби кичик лирик жанрларда ёзилган. Жумладан, “Қасида баҳория” (“Баҳор қасидаси”) дан 9 байт келтирилган (217).

“Сайланма шеърлар”да шоирнинг биргина “Маснавийи саёхати Фарғона” (“Фарғона саёхати ҳақида маснавий”) асари жой олган бўлиб, мазкур саёхаттинг тарихи 1900 йилга тұғри келади. Маснавий 107 байтдан иборат бўлиб, унда шоирнинг Фарғона вилоятига сафари таассуротлари ҳамда ўша давр мазаралари ўз аксини топган.

Ҳайрат девони тадқики юзасидан куйидаги хulosаларга келиш мумкин: 1) шоир форсий ва туркий тилларда шеър ижод қилган; 2) қасида, маснавӣ, ғазал, мухаммас, қитъа, таърих, мусаддас, рубоий, таркибанд, фард каби қўплаб адабий жанрларда маҳорат билан қалам тебратган; 3) хинд услубига майл қилиб, ундан ижодий фойдалаган; 4) ҳасби ҳол ҳаратеридаги шеърларида унинг факирона турмуши ва турли хасталиклардан азият чеккани тасвирланган.

**РЕЗЮМЕ.** Маколада Ҳайрат девонининг жанрий таркиби ва шеърларининг мавзу кўлами хусусида фикр юритилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье речь идет о жанровом составе дивана Хайрата и тематическом охвате его стихотворений.

**RESUME.** The article discusses the genre structure of Hayrat Diwan and the thematic scope of his poems.

**Таянч сўз ва иборалар:** девон, жанр, газал, қасида, маснавий, мухаммас, қитъа, таркибанд, мавзу, шакл, мазмун.

**Ключевые слова и выражения:** диван, жанр, газель, касида, месневи, мухаммас, қыта, таркибанд, тема, форма, содержание.

**Key words and words expressions:** diwan, literary genres, ghazal, kasida, masnavī, muhammas, kita, composition, forma.

**Рашид ШУКУРОВ  
ҚАТОР УНДОШЛИ СЎЗЛАР ЛУҒАТИНИ ТУЗИШ  
ТАМОЙИЛЛАРИ**

Ўрта мактаб она тили таълим мининг концептуал асосларида унинг зарурий воситаси иккита эканлиги таъкидланади: **биринчиси – дарслик, иккинчиси – луғат**. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ва нуткини ўстиришнинг зарурий омилларидан бири луғатлар устида ишлашдир. Ривожланган мамлакатларда боғчадан университеттегача бўлган таълимнинг ҳар бир бўгини учун юзлаб луғатлар яратилгани, ҳатто рус мактаблари учун ўттиздан ортиқ луғат турлари мавжудлигини эътиборга олсан, ўзбек мактаблари учун луғатлар тузиш қанчалик долзарблигини ҳис этамиз. Мактаб ва лицей учун изохли луғат, маънодош сўзлар луғати, антонимлар луғати, даражаланиш луғати, сўзларнинг бирикувчаник луғати, уядош

## **СОДЕРЖАНИЕ**

### **Языкоизнание**

Д.Худойберганова. Приоритетные задачи узбекской лингвокультурологии.....	3
З.Холманова, Д.Насриева. Лингвистические карты и их роль в развитии национальных языков.....	9

### **Литературоведение**

Н.Очилов. Эпические традиции в поэмотворчестве Южного Узбекистана.....	15
Н.Йулдошев. Стихи Чулпана, написанные в арузе.....	22
Х.Абдуллаев, Б.Рахимова. Стилистическое своеобразие в научно-эстетическом толковании.....	31
А.Абдукодиров. Толкование книголюбия в творчестве Навои и Джами.....	35

### **Научно-литературный диалог**

Ю.Эшматова, Х.Дустмухаммад. Художественные толкования национальных традиций.....	41
--	----

### **Научное сообщение**

Б.Ражабова. Абдурахман Джами и литературная среда Герата.....	46
Д.Гайилов. Образ арифа в поэзии Агахи.....	52
Ш.Тургунов. Постфольклор в детском фольклоре.....	54
Д.Зохидова. Характеристика Джами в оде “Тухфат ул-афкор”.....	61
А.Эшонбобоев. Изучение творчества Бабура в годы независимости.....	65
Х.Жураева. Трив еликих гения.....	70
А.Эшниязова. Типологический анализ и интерпретация.....	73
Э.Хазраткулова. Призаки антологии в литературно-исторических произведениях.....	78
З.Кодирова. О Рашидиддине Ватвот и его произведении “Хадойик ус-сехр”.....	82
И.Мадияров. О термине скороговорка в тюркских народах.....	86
М.Жураев. Поэтическая фигура “ийхам” в стихах Яри.....	91
Ж.Эшонкулов. Мухаммад Сиддик Хайрат и его диван.....	94
Р.Шукуров. Принципы составления словаря с сочетанными согласными.....	96
У.Йигиталиев. Дейктическое выражение понятия “личность” в процессе коммуникативного строения предложения.....	99
У.Исламов. Научный и организационный подход к культуре речи.....	103
Н.Ярашова. Использование фонографических стилистических средств в детской речи художественных текстов.....	107
М.Шамсиева. Суть билингвизма – двуязычия.....	111
Т.Аллаёров. Передача значений “обязательство” и “свобода” в императивных конструкциях.....	115
Д.Мухаммадиева. Особенности некоторых фразем в “Бабур-наме”.....	120
А.Ахмедова. Фольклоризмы в произведениях Чулпана.....	122
З.Мукимова. Лингвопоэтические и лингвокультурные особенности пословиц...	126

### **Дискуссия**

Х.Каримов. Массовость или популизм?.....	131
--	-----

### **Деятели науки**

Б.Рахмонов, З.Мамажонов. Дилмурод Куронов.....	134
Х.Хомиди. Наследник двух культур.....	136

### **Научная жизнь**

Тура Мирзаев.....	139
-------------------	-----

**МЧЖ «STANDARD POLIGRAPH BOOKS»**

босмахонасида чоп этилди. Буюртма № **48/5-02.20**

Манзил: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кӯчаси, 12-Б уй.

Қоғоз бичими 70x108 1/16. Офсет босма.

Офсет көғози. Times New Roman гарнитураси.

Шартли-босма т.8,5. Тиражи 580 нусха .